



ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGINING
MARKAZIY MATBUOT ORGANI

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTAN

2005 йил, 13 январь, пайшанба № 6 (2050).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Четверг, 13 января, 2005 года, № 6 (2050).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

В розницу — цена свободная

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ватан химоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол гоҳси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси»

ЧЕРНЯВСКИЙ Юрий Тихонович - Самарқанд Олий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

УСМАНОВ Владислав Максимович - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Мамлакат қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни химоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

ЛУТПУЛЛАЕВ Шукрулло Қудратиллаевич - Тошкент вилоят божхона бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

АБДУЛЛАХОНОВ Равшан Наримонович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

БОТИРОВ Тўлқин Жўраевич - Мудофаа вазирлигининг взвод командири ўринбосари.
ЖўРАЕВ Саъдулло Раҳматуллаевич - Чегара қўшинларининг кўриқловчи кемалар ва катерлар алоҳида базаси командири.

ИБОДУЛЛАЕВ Отабек Сапабоевич - Мудофаа вазирлигининг танк бригадаси командири.

ҚОРАБОЕВ Маҳаммадали Турсунбоевич - Ички қўшинлар ҳарбий қисми командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

МАҲМАДИЕВ Сами Саид-Абдуллаевич - Мудофаа вазирлигининг авиация эскадрильяси командири.

САПАРОВ Абдуҳаким Ўрлбекович - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг патруль пост хизмати бригадаси гуруҳ командири.

САТТОРОВ Талъат Субҳонович - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи.

УБАЙДУЛЛАЕВ Шухрат Шавкатович - Мудофаа вазирлигининг десант ишғолчи бригадаси командири.

ҲОЖИАҚБАРОВ Омонуллахон Тўлқинович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«Дўстлик»

ордени билан

БАНКОВ Геннадий Викторович - Мудофаа вазирлигининг артиллерия қурол-аслаҳасини таъмирлаш базаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

ИСМОИЛОВ Маҳмуд Қўшназарович - Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш колонияси бошлиғи.

КЛИМЕНКО Виктор Яковлевич - Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртининг ҳуқуқий хизмат бошлиғи.

ЛИПАТОВ Александр Геннадьевич - Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг алоқа бўлими бошлиғи.

МОРОЗ Сергей Анатольевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

СЕРГИЕНКО Сергей Васильевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

«Жасорат»

медали билан

АБДУРАСУЛОВ Баҳром Рафиевич - Жиззах вилояти Пахтакор тумани ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори.

АЛМЕТОВ Бахтиёр Умрзоқович - Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг катта тезкор вакили.

АҲМЕДОВ Кенжабой Аллаберганович - Ички қўшинлар ҳарбий қисмининг мергани.

БОЙМАТОВ Қодиржон Алимович - Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси инспектори.

ВОРОНИН Олег Владимирович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ДАУЛЕТНАЗАРОВ Шарафатдин Сипатович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ЁҚУБОВ Бозор Еранқулович - Чегара қўшинларининг махсус қидирув разведка взводи гуруҳи командири.


ЖўРАЕВ Лутфулло Содиқович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ИБРОҲИМОВ Абдулхайит Ўринбоевич - Чегара қўшинлари дивизионининг техник-радиости.

(Давоми 2-бетда).

14 январь - Ватан химоячилари куни

Сенинг ўғлонларинг, Ўзбекистон!



Десантчилар жанговар машинасининг командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Жамшид Яхъеев келаётган байрам - Ватан химоячилари кунини хизматдаги янги ютуқлар билан қаршиламоқда.

Подполковник Ярослав КОРУКА олган сурат.

Ҳарбий профессионаллар

ПЕШҚАДАМ ПОСБОН

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдусамад Абдукаримовга нисбатан ушбу таърифни бемалол қўллашимиз мумкин. Чунки унинг ҳарбий қисми Мудофаа вазирлиги қисмлари орасида биринчилиқни қўлга киритди.

Катта лейтенант Умид Абдукаримов хизмат қилаётган бўлинмада профессионал аскарни ўзига берилган вазифани пухта бажариши, юқори ҳарбий интизом ва ишчанлиги учун жуда ҳурмат қилишди. Ундан ташқари Абдусамад аскарлар ётоқхонасида кўргазмали қуролларни янгилашга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Моҳир рассом деворий газеталар ва «Жанговар варақ»лар учун чиройли суратлар тайёрлаб, олқишлар олмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматини ўтаган чоғида эгаллаган радиотелефончи касби ҳам Абдусамадга асқотди. Айниқса, гуруҳ командири ўринбосари лавозимида олган билимлари профессионал аскар учун муҳим пойдевор бўлди. Уша пайтда взвод командири бўлган капитан Бахтиёр Бобокалонов ўтган кунларни илиқлик билан эслайди.

Қишки ўқув мавсумида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А.Абдукаримов яна пешқадамлар сафида. Ҳар бир ўтказилган машғулотдан фақат аъло ва яхши баҳолар олишга интилиб келаётган илғор посбон хизматдаги янги ютуқларини Қуролли Кучларимиз 13 йиллиги байрамга бағишламоқда.

Майор А.НУРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Қ.Қодировни Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Қодирович Қодиров Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 12 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИСОҚОВ Меҳмонали Исманович - Фарғона вилояти Ёзёвон тумани ички ишлар бўлимининг катта инспектори.

ИСЛОМОВ Илҳом Иброҳимович (марҳум) - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузурдаги қўриқлаш бошқармасининг взвод командири.

ИШНИЯЗОВ Баҳодир Азодович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

КАМОЛОВ Толибжон Жамолович - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм командири.

КАРИМЖОНОВ Суннат Тешабоевич (марҳум) - Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ёнги хавфсизлиги отрядининг ёнги ўқитувчиси.

КОРОБОЕВ Холиёр Рамазонович - Мудофаа вазирлиги артиллерия дивизион командири.

ҚУРБОНОВ Нодир Муҳаммадович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ҚУРБОНОВ Шукрулло Нуруллаевич - Чегара қўшинларининг чегара пости пулемётчиси.

ҚУЧҚОРОВ Рустам Раззоқович - Мудофаа вазирлигининг махсус тайинланган взвод командири.

МАДАЛИЕВ Дурбек Мамадидиқович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

НАБИЕВ Одижон Турсуналиевич - Мудофаа вазирлигининг махсус қидирув-разведка взводи гуруҳи командири.

НАЗАРОВ Суннатилло Сайдуллаевич - Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционерлари.

НАРЗИЕВ Нормамат Чориевич - Қарши тумани ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили.

НУРАЛИЕВ Диёрбек Орифжон ўғли - Чегара қўшинларининг чегара базаси назорат-техника пункти бошлиғи.

ПИРМАТОВ Сарварбек Эргашевич - Чегара қўшинла-

рининг чегара пости бошлиғи вазифасини бажарувчи.

ПОНОМАРЕВ Борис Германович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

РЎЗМАТОВ Ойбек Маматқодирович - Чегара қўшинлари взводининг гуруҳ командири ўринбосари.

РУСТАМОВ Абдуҳафиз Сайдолисламович - Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

САЙФИДДИНОВ Адҳам Неъматуллаевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

СЕВИНЧОВ Алибек Комилбоевич - Чегара қўшинлари взводининг мутахассиси.

СОАТОВ Эминжон Хусанович - Транспорт ички ишлар бошқармасининг Тошкент темир йўл бекати милиция пункти милиционерлари.

УМАРОВ Тоҳир Мамадалиевич - Мудофаа вазирлигининг вертолёт эскадрильяси командири ўринбосари.

ФЫРЛИН Сергей Геннадьевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ХОЛИҚУЛОВ Фарҳод Хурсанкулович - Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг патруль пост хизмати бригадаси милиционерлари.

ҲАМРОЛИЕВ Роҳатали Қурбоналиевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ХОЛБОЕВ Собир Баратович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ЧЎЛИЕВ Абдурайим Хидирович - Қоровул қўшинлари бош бошқармасининг батальони назоратчиси.

ШАТРАВИН Сергей Владимирович - Чегара қўшинларининг чегара пости бошлигининг ўринбосари.

ЭРГАШЕВ Ботирали Ҳакимович - Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси.

ЭРГАШОВ Хусниддин Холдорович - Андижон тумани ички ишлар бўлимининг милиционерлари.

ЭРНАЗАРОВ Исматулла Баҳорович - Транспорт ички ишлар бошқармаси Ховос темир йўл бекатининг бўлима командири.

ЭШОНҚУЛОВ Давронкул Облоқулович - Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари.

ЮЛДАШЕВ Абдумалик Мардиевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

ЮСУПОВ Мамашариф Мамадиевич - Сурхондарё вилояти Музработ тумани ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори.

«Шухрат» медали билан

АКБАРОВ Бекмирза Мелибоевич - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округи бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

АКБАРОВА Шахлохон Фотихоновна - Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали бош ҳамшираси.

АСЛАНОВ Ўқтам Рамазонович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

БОБОЖОНОВ Маъруф Муллажонович - Давлат фельдшерлик хизматининг бўлима бошлиғи.

БАЙБАБОВЕВ Собиржон Азимжонович - Мудофаа вазирлигининг сафарбарлик чақируви резерви батальони штаби бошлиғи.

БАМБУРОВ Алексей Николаевич - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм секцияси командири.

БЕКТУРГАНОВ Амангелди Жолдасович - Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг кичик инспектор-кинологлари.

БОЙМУРОДОВ Файрат Гафорович - Мудофаа вазирлигининг танк взводи механик-ҳайдовчиси.

ГАЙПОВ Бахтиёр Шомуродович - Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касблар-

га йўналтирувчи Республика лицейининг катта тарбиячиси - взвод командири.

ДАВРОНОВ Баҳром Давронович - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округи тиббиёт хизмати бошлиғи.

ЖАББОРОВ Намурот Қўшоқович - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси.

ИКРОМОВ Шайдулла Муродуллаевич - Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

ИСКАНДАРОВ Олим Ирисович - Мудофаа вазирлигининг махсус тайинланган взвод катта радио-телеграфисти.

КАҲҲОРОВ Комилжон Иброҳимович - Мудофаа вазирлигининг сержантлар тайёрлаш мактаби инструкторлари.

КИМ Василий Дмитриевич - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи.

ҚУЛБЕКОВ Муҳсин Баҳодирович - Ички қўшинлар ҳарбий қисмининг оддий аскарлари.

ҚУРБОНОВ Исмоил Худойназарович - Мудофаа вазирлигининг ишғолчи взвод командири.

МАМАЗОВ Маҳмадўст Овлаёрович - Мудофаа вазирлигининг қурол-аслаҳа бошқармаси бошлиғи.

МАТКАРИМОВ Лочинбек Рустамжонович - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми оддий аскарлари.

МУТАЛИЕВ Юнус Маматкаримович - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг катта ҳарбий прокурорлари.

МУҲАМЕДОВ Одил Исмаатович - Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисми командири.

НИШОНБОВЕВ Исмоилбек Пардаевич - Мудофаа вазирлигининг сафарбарлик чақируви резерви батальон командири.

ПРУДНИКОВ Евгений Анатольевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

РЕЗИКОВ Евгений Алексеевич - «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабининг амалий машқ устаси.

СОЛИҲОВ Олимжон Ҳожибоевич - Тошкент шаҳар ички

ишлар бош бошқармасининг инспектори.

САФАРОВ Ёркул Халилович - Термиз ҳарбий прокурорлари.

СЛОБОДЫРЕВ Евгений Николаевич - Ички қўшинлар ҳарбий қисми дирижёрлари.

СОДИҚОВ Файбулло Жалолдинович - Мудофаа вазирлигининг ишғолчи взводи командири ёрдамчиси.

СУЛЕЙМАНОВ Нодиржон Василжонович - Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари кўмондони.

СУПИХЎЖАЕВ Мирзохўжа Бобоҳўжаевич - Мудофаа вазирлигининг тинчликпарвар кучлар батальони командири.

ТОЖИЕВ Анвар Адҳамович - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

ТОЖИҚУЛОВ Рустам Умаралиевич - Мудофаа вазирлигининг сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчиси.

ТОШБОЕВ Зариф Маърупович - Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари.

ТЕН Роберт Константинович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг топографик хизмати бошлиғи.

ТИЛЕУМУРАТОВ Кошкарбай Ҳамитович - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округи алоқа тармоғи бошлиғи.

УММАТАЛИЕВ Комилжон Абдувалиевич - Мудофаа вазирлиги бригадаси ҳарбий қисм командирининг авиация муҳандислиги хизмати бўйича ўринбосари.

ХУДОЁРОВ Шерзод Абдурахмонович - Чегара қўшинларининг Андижон чегара райони штаб хизмати бошлиғи.

ШАРИПОВ Журъат Шавкатович - Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи.

ШУКУРОВ Райим Ҳалимович - Бухоро вилояти божхона бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

ЭРГАШЕВ Абдизоҳир - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг инспекторлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов.

Тошкент шаҳри,
2005 йил 12 январь.

Ўқув машғулоти

2005 йил 10-15 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни

ратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

11 январь куни Ўзбекистон

лақасини ошириш марказининг раҳбари адлия генерал-майори Б.Калонов, Республика Ҳарбий прокуратураси масъул ходими адлия майори Ш. Атаевлар сўзга чиқишиб, прокуратура фао-

Оммавий ватанпарварлик тадбирлари

Қуролли Кучлар — тинчлигимиз кафолати

2005 йил 11 январь куни Мирзо Улугбек номи Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида университет профессор-ўқитувчилари, талабалари билан 14-январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларнинг 13 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — тинчлигимиз кафолати» деган мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Мудофаа вазирлигининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи подполковник Ислам Иноятлов, «Жасорат» медали соҳиби учувчи майор Отабек Камолов, «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи подполковник Абдураззоқ Обрўев, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти курсанти Олимжон Обидовлар ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб беришди.

Маълумки, ҳарбий соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли миллий армиямиз нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда ҳарбийлик чинакам шараф ишига айланди. Биргина муддатли ҳарбий хизматни олайлик. Энг муносибларгина устига ҳарбий либос кийиш бахтига муяссар бўлишмоқда.

Ҳарбий билим юртига киришга талаборлар ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Офицерлик — масъулиятли ва шу билан бирга шарафли касб. Ватаннинг энг асл фарзандлари офицерлик касбини танлашди.

Учрашув иштирокчилари йиғилганларни қизиқтирган ҳарбий мавзудаги турли саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли концерт дастурини намойиш этишди.

Подполковник А. БАЙРАМОВ.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

мустақамлаш муаммолари ва прокурор тергов ходимлари малақасини ошириш марказининг ўқув режасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг қонунчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчилари, «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти ҳамда вилоят прокуратуралари муассислигида чоп этилаётган ҳуқуқий газеталар бош муҳаррирлари ва мухбирлари иштирокида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тарғиб қилишда проку-

Республикаси Ҳарбий прокуратурасида ана шу ўқув машғулоти доирасида ҳарбий прокуратура ходимлари ва Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси ижодкорлари билан машғулоти иштирокчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги С.Жўраев қисқача кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари ма-

лияти, улар олдида турган вазифалар хусусида сўзлаб беришди.

«Ватанпарвар» газетаси Бош муҳаррири полковник И. Абдукаримов ҳарбий матбуотнинг ўзига хос хусусиятлари, газета фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Шундан сўнг иштирокчилар Ўзбекистон Қуролли Кучлари марказий музейини бориб кўришди.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Сенинг ўғлонларинг, Ўзбекистон!

ОСОЙИШТА ҲАЁТ ҲИМОЯСИ УЧУН

Мустақил юрт ҳимояси йўлида бутун куч-ғайрати, билимини қўл остидагиларга жанговар санъат сирларини ўргатиш, ҳарбийларда она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, уларда энг яхши инсоний сифатларни шакллантириш, ҳар қандай синовларга метин ирода ва кучли руҳий тайёргарлик билан қарши туришни ўргатиш ҳар бир офицернинг вазифасидир. Офицер - ҳарбий хизмат кўзгусидир. Ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги ва қўл остидагиларга катта таъсир кўрсатишини офицер ёдда тутини лозим. Капитан Қобилжон Боқижоновнинг бутун хизмат фаолияти замонавий офицернинг энг яхши қирраларини намойиш этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлигини оширишда жасурлик ва фидойилик намуналарини, давлат ва халқнинг осойишталигига, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ишига қўшган ҳиссаси учун Шарқий ҳарбий округнинг энг илғор батальон командири капитан Қобилжон Қодиржонович Боқижонов «Жасорат» медали билан тақдирланди. Жанговар мукофотни топшириш маросимига у Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг 1-курс тингловчиси бўлиб улгурганди.

БОШҚАЛАР БИЛМАЙДИГАН ТОМОНЛАРИ

Армия ҳаёти ўзига хос қийинчиликларга ҳам эга. Ёзилмаган қонунларга кўра офицер ҳеч қачон ҳарбий хизмат қийинчиликларидан нолимайди, шахсий муаммоларини матонат билан ҳал қилади. Офицернинг қўли остидагилар уни ҳамма вақт тетик, эътиборли ва талабчан командир сифатида кўрадилар. Фақатгина эрта оқарган сочларгина бу ишонч ва хотиржамлик орқасида нималар борлигини айтиб туради.

Наманган вилоятининг Поп тумани Исковут қўрғонида жойлашган мактабда Қобилжоннинг ҳарбий билим юртига муваффақиятли қабул қилинганини эшитиб, баъзилар ҳайрон бўлган эди. Буни бахтли тасо-дифга йўйишди. Негадир, йигитнинг курсант бўлиш учун икки йил армия хизматини шараф билан ўтагани, взвод командири ўринбосаригача кўтарилганини, бир йилни захирада ўтказганини гўё пайқашмади. Курсантликни онгли равишда, барча мураккабликларни енгиб, армия хизмати нима эканлигини тан олгани ортида кучли иштиёқ, ирода ётибди, ахир.

Билим юртида ҳам ҳамма нарса силлиқ кетган эмас. Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида бир йил ўқигач, ўқишда мажбурий узилиш бўлди... Ўқишга қайта тикланиш учун қанчалик саботирода сарф қилганлиги ёлғиз ўзига аён... У ўқишга қайта тикланди, фақат, Чирчиқ олий ҳарбий танк муҳандислик-қўмондонлик билим юртига.

1996 йилда билим юртини тамомлаш унинг учун гоят масъулиятли ва муҳим воқеа бўлди. Орқада қайноқ аскарлик ва курсантлик йиллари. Олдинда эса ҳар бири ўзича бир олам бўлган йигит-

ларни ўргатиш ва тарбия қилишдек мураккаб вазифа турарди. Шунингдек, янги, мураккаб синовлар ҳам уни кутарди. Бир йил ҳам ўтмасдан ёш танкчи офицер бўлинма бошлиғи лавозимига кўтарилди. Ўша пайт... Тақдирнинг янги зарбаси уни кутиб турарди. Якуний синов имтиҳонларининг энг қизгин палласида, шахсий таркиб билан машғулотлар ўтаётганида унга телеграмма келди. Онаси - Соврихон Муллажоновна 46 ёшида бевақт қаза қилган эди. Бу четлаб ўтиш мумкин бўлмаган қақшатқич ҳаёт зарбаси эди. Ёш офицер ўзини йўқотиб қўймади, қайғусини қўл остидагиларга сездирмади, машғулоти охирига етказди. Масъулиятли имтиҳон олдиан шахсий таркибга заифлигини, бўғзида турган фарёдини ошкор этишга ҳаққи йўқ эди.

ПРОФЕССИОНАЛ ПРОФЕССИОНАЛ-ДА

Яна бир йил ўтиб, катта лейтенант унвонини эндигина олган офицер командир ўринбосари вазифасига тайинланади. Танкчи ва десантчи касблари бир-бирига ўхшашмайди. Аммо у ўзига номаълум техника сирларини эгаллашга дадил киришди. Капитан Боқижоновнинг ҳарбий биографияси миллий армиямизнинг шаклланиши босқичида кўплаб ёш офицерларимиз учун характерлидир. Минтақада ҳарбий-сиёсий вазият ўзгарди, ҳарбий ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш учун қисм ва бўлинмаларни қайтадан тузиш ва жойлаштириш амалга оширилди.

Фақат бир нарса ўзгармасдан қолди - булар энг қийин шароитларда техника билан тиллаша оладиган, энг муҳим объектлар ҳимоясини тўғри йўлга қўя оладиган, жанговар ўқув жараёни ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқа оладиган юксак тайёргарликка



эга, мустақил Ўзбекистон ва унинг халқига садоқатли офицерлардир. Халққа ва Президентга содиқ бўлган айнан шу офицерлар кўмондонлик буйруқларини бажара туриб, халқаро террорчиларга ўтиб бўлмас, мустақам тўсиқ қўйдилар, ёш, мустақил давлатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминладилар.

Ёш офицер Боқижонов қанақа лавозимларда ишламади, дейсиз! Мотоўқчилар ва десантчилар батальонлари командири-

инлашларига қадар тажрибага бой офицерлик мактабини ўтади.

ИЛҒОР БАТАЛЬОН КОМАНДИРИ

Боқижонов уч йил батальонга командирлик қилди. Сўнгги икки йилда у хизмат қилган қисм Қуруқлик қўшинлари қисмлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Унинг батальони эса бу йиллар ичда қисмда энг илғор деб тан олинди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, капитан Боқижонов Ўзбекистон

-Албатта осон бўлмаган, - дея хотирлайди офицер. - Ҳар бир янги синовда аввалгиларидан ёмон натижа кўрсатиш мумкин эмас, ахир. Менинг муваффақиятларим ўз касбининг устаси бўлган командирларим ва устозларим: генерал-майор Қ.Аҳмедов, подполковниклар — А.Комилов, Ф.Худойқуловларнинг бегараз ёрдамлари туфайлидир. Ҳаётда ва хизматда ўрناق олса арзийдиган инсонлар улар. Бугунги кунда ҳам Қуролли Кучлар Академиясида полковник Р.Қодиров, подполковник М.Ғафуров ва бошқа кўплаб бой тажриба ва билимларини бизга бераётган маҳоратли офицерлар фаолияти менга ва дўстларимга намунадир.

Офицерлар фаолиятида авлодлар эстафетаси давомийдир. Бугун капитан Қ.Боқижоновнинг ўзи ҳам собиқ қўл остидагилар учун яхши намуна бўлиб қолди. Қисмда у ҳақда ҳануз эслайдилар ва унга ўхшашга интиладилар. Капитан Р.Абдуллаев, катта лейтенант Г.Тўраев, сержант Б.Мамедов ва бошқа кўплаб офицер ва



нинг ўринбосари бўлди. Кейин алоҳида батальон штабининг бошлиғи. Бир сўз билан айтганда батальон командири этиб тай-

Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига кириш пайтида Мудофаа вазирлигининг энг илғор батальон командири ҳисобланарди.

шартнома бўйича хизмат сержантлари унинг командирлигида хизмат қилганларидан фахрландилар, уни ўз устозлари деб билалдилар.

КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАМА

Офицернинг муваффақиятини кўп ҳолларда унинг оиласи таъминлайди. Қобилжоннинг ота-онаси Қодиржон ака ва Соврихон опа унга яхши тарбия бердилар. Акаси Қаҳрамон, опа-сингиллари Моҳира ва Мунислар сермашаққат хизматида унга ҳамisha қувват бўлдилар.

Қобилжоннинг шахсий ҳаётда омади бор. У билим юртини тугатгач, офицерлик хизматини бошлаб-бошламас уйланган эди. Мактабдоши муаллима Маммурахон Акрамова унга ишончли ва оқила рафиқа бўлди. Маммурахон оила учун нима-ики қилмасин барчаси Қобилжоннинг ҳамisha улардан кўнгли тўқ бўлишига, оиласининг унинг учун ишончли таянч бўлишига қаратилган. У эрининг қайғу ва қувончига шерик. Уларнинг Бекбулат ва Мадинахон исмли фарзандлари бор.

Қуролли Кучларимизда ҳарбий хизматчиларни давлат мукофотлари билан тантанали тақдирлаш маросимида уларнинг оила аъзоларини ҳам таклиф қилиш яхши анъанага айланган. Бундай қувончли кунда аҳил эру-хотинлар нималарни ўйлашди экан?

-Турмуш ўртоғимнинг ҳалол хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланганидан хурсандман, - дейди ғурур билан Маммурахон. - Қобилжон ҳалол, адолатпарвар, меҳнаткаш инсон. Унинг қизиқишлари ҳам хизмати билан боғлиқ: спортнинг ўйин турлари, енгил атлетика, гимнастика. Қийинчиликларга, гарнизонма гарнизон қўчишларга ўрганиб қолдим. Ахир, ёнимда эрим — ишончим, суянчиғим бўлганидан кейин қийинчиликлар чўчитмайди-да. Уй ишларига ҳар доим кўмаклашадди, болаларни жуда севади. Ўғлимнинг ҳалитдан отаси изидан бориб Ватан ҳимоячиси бўлишга интилиши мени беҳад қувонтиради.

- Мен эса бу мукофотни келажакка йўллама, деб ҳисоблайман, - дея рафиқасига қўшимча қилди капитан Боқижонов.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини тугатгандан сўнг қаерда хизмат қилишни ўйлаяпсиз, деган саволга оддийгина қилиб шундай жавоб қилди:

- Академияда олган билимим билан Ватан қаерга буюрса, шу жойда хизмат қиламан.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Сафдошларимиз орасида

ИЧКИ ҚЎШИНЛАР - ЭЛ-ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ички қўшинлари муҳим ўрин тутади.

Замонавий ҳарбий техника, қурол-аслаҳа ва алоқа воситалари билан таъминланган бу жанговар қўшин ўта муҳим ва тоифаланган ишюотларни қўриқлаш ҳамда тезкор ҳаракатланувчи махсус бўлинмалар ҳаракати бўйича фаолият юритади.

- Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан бундан ўн уч йил муқаддам тузилмамиз дастлаб Ички қўшинларнинг бошқармаси шаклида ташкил этилганди, - деди ички қўшинлар қўмондони генерал-майор Жўра ФОЗИЛОВ ЎЗА мухбирига.

- Шу боис айтиш пайтда ҳарбий қисм ва бўлинмаларимизда Куролли Кучларимиз ҳамда Ички қўшинларнинг ўн уч йиллиги кенг нишонланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра 1999 йилда қўшинимиз Ички ва Қоровул қўшинлари бош бошқармаларига бўлинди.

Шунингдек, милиция қисми ва бирлашмалари негизида тезкор ҳаракатланувчи махсус

батальонлар ташкил этилди. Ўтган йиллар шахсий таркиб учун шаклланиш ва синов дари бўлди.

Ҳарбий хизматчиларимиз жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги вазифаларни сикдқидилдан удрлашга бел боғлаган. Ўтган йили улар томонидан олти юз нафардан ортиқ чет эл фуқароси мамлакатимизда ноқонуний яшаб юргани аниқланди. Жиноятга қўл урган кимсалардан ўттизта ўқ отар

қурол, мингдан ортиқ патрон, кўплаб портловчи ҳамда наркотик моддалар мусодара қилинди.


Таъкидлаш жоизки, 1999-2000 йилларда юртимизга суқилиб кирмоқчи бўлган бир гуруҳ террорчиларга қарши курашда ҳарбий қисм ва бўлинмаларимиздан жалб этилган Фулом Ҳусанов, Фарҳод Абдуллаев, Равил Василев, Владимир Воронов каби жасур сержант ва офицерларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бултур март-апрель ва июль ойининг охирида Тошкент ва Бухоро

бериш пайтида ҳам ҳарбийларимиз катта жасорат кўрсатишди.

Шахсий таркибнинг масъулиятли ва шарафли хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлаб келина-япти. Ўнлаб хизматчиларимиз мамлакатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлган. Ҳарбийларнинг касб маҳорати ва интеллектуал салоҳиятини оширишга ҳам етарлича эътибор қаратилмоқда. 2004 йилда тўрт нафар ҳарбий хизматчимиз Куролли Кучлар бўйича ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танлови голиблари сафидан жой олди.

Айни пайтда кўплаб ҳарбийларимиз сержантлар тайёрлаш мактабларида, олий ҳарбий билим юртлири ҳамда Куролли Кучлар академиясида ўз мутахассислиги бўйича малака оширмоқда.

Замонавий компьютер хоналари, тренажёр, кутубхона, спорт ва дала-машқ майдонлари улар ихтиёрида.



Ички қўшинлар Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз осойишталигини қўриқлашдек юксак бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этиб, она-юртимизга, халқимиз ва Президентимизга садоқат билан хизмат қилишни ўзларининг кундалик турмуш тарзига айлантирганлар.

Холмурод САЛИМОВ.

ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ САРҲАДЛАРИМИЗ ҚАЛҚОНИ



Маълумки, 1992 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфида Чегара қўшинлари ташкил этилган эди. 1999 йил 13 январидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан эса Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бош штаби заминда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегара радарини ҳимоя қилувчи қўшма ташкил топди. 2004 йил январь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинлари деб юритилади бошланди. Ўтган қисқа давр ичида Чегара қўшинлари шахсий таркиби ҳар томонлама ривожланди, ҳарбий хизматда қатор ютуқлар қўлга киритилиб, ислохотлар муваффақиятли амалга оширилди.

Биз қуйида ўтган қисқа давр мобайнида мана шу эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинлари тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, полковник М.Нуриддиновга мурожаат этдик.

Ўртоқ полковник, сиз чегара қўшинларида айни кунларда олиб борилаётган ислохотлар негизи, асл моҳиятини нималарда кўрасиз?

- Тинчлигимиз ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган Чегара қўшинларида олиб борилаётган ислохотларнинг туб негизи ва унинг моҳияти ҳақида сўз юритганимизда биринчи навбатда муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг бу ҳақдаги қимматли фикрлари ёдимизга тушади.

Ҳарбий соҳадаги ислохотлар ҳақида гап кетганда Юртбошимиз ҳар қандай жанговар вазифани адо этишга қодир, ихчам ва ҳаракатчан замонавий армияни шакллантириш, ҳарбий хизматни том маънодаги шон-шараф ишига айлантириш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини айтиб ўтгандилар. Ҳозирги кунда мамлакат Куролли Кучларида бўлаётганидек, Чегара қўшинларида ҳам мана шу вазифани тез ва оқилона ҳаётга тадбиқ этиш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланмоқдамиз.

Чегара қўшинлари раҳбарияти чегара қўшинлари сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг нафақат соғлом ва жисмонан бақувват, балки замонавий ҳарбий техникани бошқаришни пухта ўзлаштириб олган, шу билан бирга юксак ақл-заковат, ирода,

Ватани ва халқига садоқатли, маънавий етук кишилар бўлишлари кераклигини жуда яхши билишади. Булар олиб борилаётган ислохотларнинг асл моҳиятини ташкил этади, десак янглишмаган бўлаемиз.

- Демак, амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларни ҳаётга талдиқ этиш учун қўшинлар шахсий таркиби орасида жанговар машқлардан ташқари маънавий-маърифий ишларни ҳам қучайтириш муҳим бўлса керак?

- Жуда тўғри таъкидладингиз. Чегара қўшинларида кейинги йилларда ҳақиқатдан ҳам шахсий таркибнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, уларни маърифатли, маънавий етук ва маданиятли ҳарбийлар сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Бунинг учун айни кунларда қўшинлар ҳарбий қисмлари шахсий таркиби ичида тарбиявий, ҳуқуқий, маърифий ва маданий ишларнинг барча кўринишларидан унумли фойдаланмоқда.

Айниқса, бу борада тарбиянинг мана шу муҳим кўринишларидан самарали фойдаланиш учун ҳарбий қисмлар ўртасида ҳар йили ташкил этилаётган турли мусобақалар, халқимиз орасида танилган адабиёт, санъат намояндалари билан учрашувлар, маърифий-маданий тадбирлар ижобий самара бермоқда.

Бу тадбирлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қисмлар шахсий таркиби сафларида йилдан-йилга жанговар хизмат аълочилари, билим ва тажрибалари, ўз касбини виждонан бажариб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётганлар сафи ошиб бормоқда.

- Чегара қўшинларидаги ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда деб ўйлайсиз?

- Халқимиз чегара қўшинлари ҳарбийлари олдида турган вазифалар ҳақида умумий фикрга эга деб ўйлайман. Агар уни Президентимиз сўзлари билан янада ойдинлаштирадиган бўлсак, «Чегара қўшинлари олдида худудий яхлитликни таъминлаш, диверсион-террорчи гуруҳлар ҳамда алоҳида кўпуровчи элементларнинг чегара орқали ўтишига йўл қўймаслик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдек бош вазифалар туради».

Умуман биздаги хизматнинг бошқа ҳарбий тизимлардаги хизматдан бевосита фарқига келсак, уни бир сўз билан - жанговарликда дейишимиз мумкин. Бизнинг қўшинларимиз гарчи ҳозир тинч замон бўлса-да, ўз хизмат вазифалари бўйича доимий равишда хизматни жанговар ҳолатда қурол билан ўтайдилар. Бу ҳолат бизнинг шахсий таркибимиздан доимий равишда сергак

бўлиш билан бирга, ўта эҳтиёткорлик ва руҳий тетикликни талаб қилади.

- Ҳарбий жамоаларда хизматнинг доимий равишда аъло даражада бўлиши ҳарбий хизматчиларнинг бир-бирини яхши тушуниши ва улар ўртасидаги ўзаро ҳурматнинг аҳамияти катта бўлса керак?

- Дарҳақиқат, ҳарбий жамоаларнинг ўз олдларига қўйилган жанговар хизматларини шу кун талаблари даражасида олиб боришлари кўпроқ уларнинг ҳарбий низом талабларига қанчалик амал қилишларига боғлиқ. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳарбий жамоанинг кичик аъзоси сифатида низом қоидаларига амал қилиб, олдига қўйилган вазифаларни виждонан удралар экан - бу, албатта, ютуққа олиб келади.

Қолаверса, ўзимизнинг ўзбекиона миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, ҳарбийлар орасидаги ҳурмат ва интизомга қатъий амал қилиш, бу - муваффақият калитидир.

Чегара қўшинлари сафларида фидойи, ўз касбига садоқатли ҳарбийлар қанчалик кўп бўлса, чегараларимизни қўриқлаш шунчалик ишончли қўлларда деб айтишга асосли бўлаемиз.

- Армия сафларидаги сержантлар таркиби ҳақида фикрларингиз қандай?

- Келажакда миллий армия-

мизнинг ажралмас қисми бўлиши чегарачилар сафлари асосини ҳам сержантлар ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас, чунки биз армияда ўтказилаётган босқич-ма-босқич ислохотлар талаблари бўйича келгусида армия шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлардан ташкил топишини яхши билаемиз. Шу боис ҳам ҳозирданоқ чегара қўшинларидаги мана шу лавозимларга кадрлар танлаганда жуда ҳам ўзимизга талабчан бўлишимизга тўғри келади, чунки бу ишдаги нуқсон, кичик адашишлар ҳам катта хатоларга олиб келиши мумкин.

Тарихдан маълумки, биз Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолдин Мангуберди, Амир Темури каби буюк саркардалар, доворак, жасоратли ватанпарварларнинг меросхўрларимиз. Уларнинг шарафли йўли, жасорати барчамизни кадрдон еримиздаги осуда ҳаёт ва мусаффо ҳавони қадрлашга, оналаримиз, сингилларимиз, оилаларимиз бахтини, фарзандларимиз келажакини жонбозлик билан ҳимоя қилишга чақиради. Бу вазифаларни бажариш эса мамлакат Куролли Кучларининг олдинги сафларида турган Чегара қўшинларининг муқаддас бурчидир.

Подполковник
Х.АЛЛОНАЗАРОВ
сўхбатлашди.

17 ЯНВАРЯ ПОНЕДЕЛЬНИК

УЗБЕКИСТАН

Профилактика до 15.00
15.00 «Тахлилнома»
15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолгулари оркестрининг концерти
16.05 «Дастурхон атрофида»
16.20 ТВ анонс
16.25 «Масъул сўз»
16.45 Кундузги сеанс: «Мутлоқ устунлик билан». Бадий фильм
17.55 ТВ анонс
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 «Фарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 47-қисм
18.35 «Яхшилар ёди»
18.55 Бир жуфт кўшиқ
19.05 «Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари»
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари
20.15 Биржа ва банк хабарлари
20.30 «Ахборот»
21.05 МСК хабарлари
21.15 Қарши шахрининг 2700 йиллиги олдидан. «Кўёшли юрт таровати». 1-қисм
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал (Мексика)
22.55 «Ахборот-дайджест»

ЁШЛАР

16.55 Кўрсатувлар дастури
17.00 «Давр» ҳафта ичида
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс
17.35 «Янги авлод» почтаси
17.55 Телевикторина
18.00 Ракурс
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00, 22.00 Давр
19.40 Олис манзиллар
20.00 Ҳамкор - 2005
20.10 Мусиқий лаҳзалар
20.20 Марказий сайлов комиссияси хабарлари
20.30 Сув - ҳаёт манбаи
20.35, 21.25 Ёшлар
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал
21.30 Бир ўлкаки
21.50 Олтин мерос
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
23.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури
0.30-0.35 Хайрли тун

ТАШКЕНТ

17.15 Серил на ТТВ. «Дерзкие и красивые»
17.40 «Табриклимиз-кутлаймиз»
18.00, 20.50 Телегазета «Экспресс»
18.10 «Медицина для Вас»
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт»
18.50 «Табриклимиз-кутлаймиз»
19.20 «Паутина»
20.20 «Ёшлар даврасида»
21.20 «Муруват»
22.00 Кинооко. «Формула любви»

СПОРТ

7.30 «Новости»
7.45 «Бодрое утро». Информационно-развлекательная программа
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00* «Лило и Стич». Мультфильм
10.00 Международный спорт: «Профессиональный баскетбол»
16.55 Программа передач
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Детский спорт»
17.30 «Королевы спорта»
17.45 «В кругу богатырей»
19.00 «Клон». Серил
20.00 «Жди меня»
21.00 Время
21.30 «Новости». Итоги года
22.30 Международный спорт: «Проф-РИНГ»
23.30 «Спокойной ночи!»

ПЕРВЫЙ

Профилактика до 12.00
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 «Женщины в любви»
13.10 «Новые приключения Винни-Пуха»
13.30 Комедия «Взрослые дети»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Комедия «Где находится нофелет?»
17.00 «Пять вечеров»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 Док. детектив «Свастика на обочине». Дело 2002 года
19.00 «Клон»
20.00 Жди меня
21.00 Время
21.30 Многосерийный фильм «Близнецы»
22.40 Спецрасследование. «Мафия нищих»
23.30 Ночное «Время»
23.50 Искатели. «Тайна гибели «Санта-Фе»
00.20 «Подорожник»
00.50 «Подводный мир Андрея Макаревича»
1.20 Триллер «Последний танец»
3.10 Боевик «Ромео, истекающий кровью»
5.00 Новости
5.05 Боевик «Ромео, истекающий кровью». Окончание

РОССИЯ

Профилактика до 9.50
9.50 «Бедная Настя»
10.50 «Что хочет женщина»
11.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
12.00 ВЕСТИ
12.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
12.30 Комедия «Бетховен-2»
14.20 «В «Городке»

14:25 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
15:00 ВЕСТИ
15:10 «Кулагин и партнеры»
15:45 «Кармелита»
16:45 «Испеление любовью»
17:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
18:00 ВЕСТИ
18:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
18:50 «Спокойной ночи, малыши!»
18:55 «Тайны следствия. Мягкая лапа смерти»
21:00 «ВЕСТИ+»
21:20 «Мой серебряный шар. Грета Гарбо»
22:15 «Синемания»
22:45 Фильм «Пока не забудут нас голоса живых»
00:50 «Дорожный патруль»
1:00 Канал «Евроьюс» на русском языке
2:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего
9.00 «ДОРОГИ ЛЮБВИ»
10.00 «Ураганчики»
10.30 «Мэри Кейт и Эшли»
11.00 «Моя семья»
12.00 «Большая стирка»
13.00 «АМЕРИКАНСКАЯ ДОЧЬ»
15.00 «Анималия»
15.30 «Секреты кино»
16.00 «ИНФЕРНО»
18.00 «ЦЕПЬ»
20.00 «Анималия»
20.30 «На пределе»
21.00 «ВОРОВКА-2»

22.00 «Али»
1.15 «ЛЕСТНИЦА ИАКОВА»

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 «МЕРТВЫЕ НЕ ЛГУТ- 2»
10:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ»
10:55 «МАНГУСТ - 2»
13:00 «СЕГОДНЯ»
13:35 «УСАДЬБА»
14:30 «ВИНТОВАЯ ЛЕСТНИЦА»
15:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:00 «СЕГОДНЯ»
16:20 «ПРИНЦИП «ДОМИНО»»
17:35 «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»
18:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:40 «УСАДЬБА»
20:45 «ВИНТОВАЯ ЛЕСТНИЦА»
21:50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:40 «ЛАНДЫШ СЕРЕБИСТЫЙ»
23:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
24:00 «СЕГОДНЯ»
00:15 «В ПОИСКАХ УТРАЧЕННОГО СЕКСА ЖЕНЩИНЫ»
1:10 «ОСОБО ОПАСЕН!»
1:40 Детектив «ПАРК ГОРЬКОГО»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 «ОПЕРАТИВНИК»
5:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

18 ЯНВАРЯ ВТОРНИК

УЗБЕКИСТАН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.35 «Мовий уммон қаррида». Телесериал
9.25 «Бизнес ҳафта»
9.40 «Рангин дунё»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари»
10.25 «Камалак»
12.05 «Қишлоқ ҳаёти»
12.25 «Кўёшли юрт таровати». 1-қисм
13.05 «Бегона». Телесериал
14.10 «Портретга чизгилар»
14.30 «Муסיқа ва театр»
14.50 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм
16.00 «Болалар сайёраси»
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Фарбга саёҳат». Мультфильм премьераси
18.40 «Остонаси тиллодан»
19.00 Мусиқий танаффус
19.05 «Тафсилот»
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Фарз ва қарз»
21.25 «Сиз нима дейсиз?»
Мусиқий дастур
21.55 «Ободлик кўнгилдан бошланади»
22.15 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал
23.15 «Ахборот-дайджест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари

ЁШЛАР

7.00 «Мунаввар тонг». Информационно-дам олиш дастури
8.50 Олтин мерос
9.00, 13.00, 16.00 Давр
9.25 «Муҳаббат можароси»
10.10 Бир ўлкаки
10.30 Уй вазифаси
10.50 Болалар экрани: «Фантадром»
11.20 Бола тилидан
11.50 Олис манзиллар
